

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ташқи қарз ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан давлат ташқи қарз ҳисобига **12 та** лойиҳа муваффакиятли амалга оширилган ва **1313,54** млн. доллар ўзлаштирилган, жумладан:

1. “Темир йўлда йўловчи ташишни такомиллаштириш”

Лойиҳа доирасида 25 та йўловчи вагон ҳарид қилинган ва Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи реконструкция қилинган. Бунинг натижасида йўловчи вагонларни ишлаб чиқариш ва капитал таъмирлаш маҳаллийлаштирилган.

Лойиҳанинг қуввати:

- йўловчи вагон ишлаб чиқариш – 50 та йилига;
- йўловчи вагонларни капитал таъмирлаш – 450 та йилига.

Шу билан бирга, ушбу завод бугунги кунда Тошкент метрополитени учун вагонларни модернизация қилиш йўлга қўйилган.

Ташқи қарз манбаси – Япония ҳалқаро ҳамкорлик банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 6096,96 млн. япон иенаси.

Лойиҳа 2001 йилда ишга тушурилган.

2. “Темир йўлларини қайта таъмирлаш”

Лойиҳа доирасида Тошкент – Самарқанд йўналишида 320 км темир йўл қайта таъмирланган ва Австрия, Хитой, Англия, Германия ва Франциядан темир йўл машина ва механизmlар, рельс ва шпаллар ҳарид қилинган. Натижада поездларни хавфсиз ва равон ҳаракатланиши, поездларнинг тезлигини ошириши ва янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Лойиҳанинг қуввати: 320 км темир йўл қайта таъмирланган.

Ташқи қарз манбаси – Осиё тараққиёт банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 126,00 млн. доллар.

Лойиҳа 2004 йилда ишга тушурилган.

3. “Темир йўлларини модернизация қилиш”

Лойиҳа доирасида Самарқанд – Бухоро йўналишида 248 км темир йўл модернизация қилинган ва темир йўл машина ва механизmlар, рельс, шпаллар ва оптик толали кабеллар ҳарид қилинган.

Шу билан бирга, телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва тармоқ ва ахборот тизимларини самарали бошқариш имконини берадиган оптик толали алоқа линиясини ўрнатиш, молиявий ҳисоб тизимларини компьютерлаштириш эришилди.

Лойиҳанинг қуввати: 248 км.

Ташқи қарз манбаси – Осиё тараққиёт банки ва ОПЕК фонди.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 155,00 млн. доллар, жумладан ХМИ хисобидан 75 млн. доллар.

Лойиҳа 2006 йилда ишга тушурилган.

4. “Локомотив паркини янгилаш”

Лойиҳа доирасида Чжучжоу электровоз қуриш заводидан (Хитой) 12 та электровоз ҳарид қилинган. Янги электровозларни сотиб олиш локомотивларнинг энергия сарфини, эксплуатация ва техник хизмат қўрсатиш харажатларини камайтириди ва юк ташувчиларга хизмат қўрсатишни сезиларли даражада яхшилади. Сотиб олинган электровозлардан йўловчи ташишда ҳам фойдаланиш имконини яратди.

Лойиҳанинг қуввати: 12 та электровоз.

Ташқи қарз манбаси – Европа тикланиш ва тарраққиёт банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 40,00 млн. доллар.

Лойиҳа 2004 йилда ишга тушурилган.

5. “Тошғузор-Қумқурғон янги темир йўл линиясини қуриш”

Лойиҳа доирасида 223 км янги темир йўл, шунингдек 5 та темир йўл кўприги қурилди. Натижада Сурхондарё вилоятидан товарларни олиб ўтишга кетадиган вақт қисқартиришга имкон яратилди, Ўзбекистон Республикасининг ягона темир йўл тармоғи шакллантирилди ва Туркманистон ҳудудидан ўтишдаги валюта харажатлари тежалиб, йўловчи ва юкларни ташишда божхона чегараларидан ўтиш муамолари бутунлай бартараф этилди.

Лойиҳанинг қуввати: 223 км.

Ташқи қарз манбаси – Япония ҳалқаро ҳамкорлик банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 514,85 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 148,52 млн. доллар.

Лойиҳа 2007 йилда ишга тушурилган.

6. “Тўқимачи-Ангрен темир йўл участкасини электрлаштириш”

Лойиҳа доирасида 114 км темир йўл электрлаштирилди ва сигнализация, марказлаштириш ва блокировка тизими янгиланди (СЦБ ва алоқа) ва натижада темир йўл участкасининг ўтказувчанлик қобилияти оширилди, эксплуатацион ҳаражатлар қисқартирилди, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эҳтиёж ва атроф муҳитга салбий таъсир камайтирилди.

Лойиҳанинг қуввати: 114 км.

Ташқи қарз манбаси – КФВ ва КФАЭР.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 85,39 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 57,37 млн. доллар.

Лойиха 2010 йилда ишга тушурилган.

7. “Йўловчи электровозларини ҳарид қилиш”

Электрлаштирилган темир йўл участкалари купайгани боис лойиха доирасида 15 та секция йўловчи электровозлари ҳарид қилинган ва натижада йўловчи поездларни тезлиги оширилган, эксплуатацион ҳаражатлар, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эхтиёж ва атроф мухитга салбий таъсир камайтирилган.

Лойиҳанинг қуввати: 15 та электровоз.

Ташқи қарз манбаси – Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 75,52 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 70,11 млн. доллар.

Лойиха 2011 йилда ишга тушурилган.

8. “Локомотив паркини янгилаш”

Лойиха доирасида 11 секция юк ташиш электровозларини ҳарид қилинган ва натижада юк ташиш тезлиги оширилган, юк жунатувчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланган, эксплуатацион ҳаражатлар, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эхтиёж ва атроф мухитга салбий таъсир камайтирилган.

Лойиҳанинг қуввати: 11 та юк электровозлари;

Ташқи қарз манбаси – Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки;

Лойиҳанинг умумий қиймати – 46,00 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 42,17 млн. доллар.

Лойиха 2013 йилда ишга тушурилган.

9. “Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш”

Лойиха доирасида 140 км темир йўл электрлаштирилган ва натижада участканинг ўтказувчанлик қобилияти оширилди, эксплуатацион ҳаражатлар, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эхтиёж ва атроф мухитга салбий таъсир камайтирилган ва янги иш ўринлари яратилган.

Лойиҳанинг қуввати: 140 км.

Ташқи қарз манбаси – Осиё тараққиёт банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 208,40 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 100,00 млн. доллар.

Лойиха 2016 йил ишга тушурилган.

10. “Қарши-Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш”

Лойиҳа доирасида 325 км темир йўл электрлаштирилган ва натижада участканинг ўтказувчанлик қобилияти оширилди, эксплуатацион ҳаражатлар, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эхтиёж ва атроф мухитга салбий таъсир камайтирилган ва янги иш ўринлари яратилган.

Лойиҳанинг қуввати: 325 км.

Ташқи қарз манбаси – Япония ҳалқаро ҳамкорлик банки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 388,30 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 220,60 млн. доллар.

Лойиҳа 2017 йилда ишга тушурилган.

11. “Ангрен-Поп янги электрлаштирилган темир йўл линиясини куриш”

Лойиҳа доирасида 124 км темир йўл шу жумладан 19,2 км тўннел курилган. Шу билан бирга, тежалган маблағлар ҳисобига Поп-Қўқон-Андижон 186 км темир йўл участкасини электрлаштириш қарор қилинган ва натижада Фарғона вилоятини республиканинг бошқа худудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлаш имконияти яратилди ва Қамчик давони орқали юк ва йўловчи ташиш ишлари ташкил этилди, Тожикистон Республикасининг Бекобод-Канибодом (**103 км**) участкасидан ўтадиган юк ва йўловчилар ҳозирги кунда янги участкадан ташилмоқда, юк ташиш вақти ўртacha – **12 соатга** қисқартирилди, йўловчи ташиш вақти ўртacha – **7 соатга** қисқартирилди, Тожикистон худудидан ўтишдаги валюта ҳаражатлари тежалмоқда, йўловчи ва юкларни ташишда пост чегарадан ўтиш муамолари бутунлай бартараф этилди.

Лойиҳанинг қуввати: 310 км.

Ташқи қарз манбаси – Жаҳон банки, Хитой Ҳалқ Республикаси Эксимбанки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 1461,10 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 545,00 млн. доллар.

Лойиҳа 2016 йилда ишга тушурилган.

12. “Локомотив паркини янгилаш”(2-босқич)

Лойиҳа доирасида 11 секция юк ташиш электровозлари ҳарид қилинган ва натижада юк ташиш тезлиги оширилган, юк жуннатувчиларга ҳизмат кўрсатиш сифати яхшиланган, эксплуатацион ҳаражатлар, ёқилғи мойлаш материалларига бўлган эхтиёж ва атроф мухитга салбий таъсир камайтирилган.

Лойиҳанинг қуввати: 11 та юк электровозлари.

Ташқи қарз манбаси – Хитой Ҳалқ Республикаси Эксимбанки.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 46,00 млн. доллар. шу жумладан ХМИ маблағлари 42,17 млн. доллар.

Лойиха 2016 йилда ишга тушурилган.

Ташқи қарз ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар доирасида 320 км темир йўллар қайта таъмирланган, 248 км темир йўл модернизация қилинган, 347 км янги темир йўл, шу жумладан 19,2 км тоннел қурилган, 848 км темир йўл электрлаштирилган, 34 та юк ташиш ва 15 та йўловчи ташиш электровозлари харид қилинган.